



АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

2017 йил 10 январь

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон ФА академиги Юнус Ражабий таваллудининг 120 йиллигига бағишланган “Мангу мусикамиз дарғаси” деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди

2017 йил 10 январь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бастакор, хонанда ва созанда, ўзбек мусика мероси тўпловчиси, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон ФА академиги Юнус Ражабий таваллудининг 120 йиллигига бағишланган “Мангу мусикамиз дарғаси” деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда санъатшунос, тилшунос олимлар, халқ кўшиқлари ижрочилари, шоирлар, ёзувчилар ҳамда кутубхона фойдадаланувчилари иштирок этдилар.

Бастакор, академик, Ўзбекистон халқ артисти, фольклоршунос олим, педагог ва жамоат арбоби Юнус Ражабий 1897 йил 5 январь куни Тошкентда таваллуд топган. Ёшлигидаёқ катта ашулаларни тинглаб, уларни эдда сақлаш ва қайтадан худди шундай чалиб бериш қобилиятига эга бўлган. У ўсмирлик даврида соҳир овозли баритон тембрига эга бўлиб, хофиз Мулла Тўйчи Тошмухаммедовдан ашула куйлаш сирларини ўрганган. У ўзи ҳам иқтидорли ёш йигит-қизларни топиб, тўгараклар ташкил этар ва Тошкентда консерватория очилган даврга келиб ўзи ҳам тажрибали педагог даражасига эришган эди. Санъат соҳасида Юнус Ражабийнинг ижодий хиссаси кўшилмаган биронта жанр йўқ. Ўзбек мусикали драмасининг шаклланиши ва тараққий этиши унинг номи билан чамбарчас боғлиқ.

Унинг хиссаси шунингдек ўзбек опера санъатининг рифожида ҳам улкандир. “Зайнаб ва Омон”, “ Назира” каби машҳур опералар Юнус Ражабийнинг бевосита иштирокида яратилган. Юнус Ражабий асрлар мобайнида халқ хотирасида сақланиб келган бир ярим мингга яқин халқ кўшиқлари ва чолғу асарларини туркумлаштириб, ёзиб олган ва уларни келажак авлодга етказишда муҳим ўрин тутган. Юнус Ражабий бу борада қаҳрамонлик қилган, чунки XX асрга қадар ўзбекистонда нота ёзувлари бўлмаган ва у авлодлардан авлодларга, одамлар оғзидан оғзига кўчиб келган куй ва кўшиқларни нотага туширган. Тадбирда бастакорнинг шогирдлари, давомчилари, Ражабийлар сулоласи вакиллари Юнус Ражабийнинг ҳаёти ва ижодига даҳлдор хотиралари билан ўртоқлашдилар.